



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№2
2026



SERVIS

ILMIY-AMALIY JURNAL 2026 -yil, 2-soni

Muassis: Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2008-yil 31-dekabrda
0561-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
O‘zR OAK Riyosatining 19.03.2017 y., 239/5-sonli qarori bilan e’tirof etilgan

Tahririyat a’zolari:

Mas’ul kotib:

i.f.d., prof. M.Q.Pardayev

Muharrirlar:

i.f.d., dotsent F.A.Safarov
PhD, dotsent I.M.Pardayeva
PhD, I.Sh.Ernazarova

Texnik muharrir:

katta o‘qituvchi F.O.O‘roqov

Korrektor:

PhD, dotsent v.b.
T.I.Yahyoyev

Sahifalovchi:

PhD, dotsent v.b.
H.N.Ochilova

1 yilda 4 marotaba
chop etiladi.

**O‘zbekiston hududida
tarqatiladi.**

Tahririyat manzili:

140100, Samarqand shahar,
Amir Temur ko‘chasi, 9-uy,

tel.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

faks: +998(366)231-12-53
el.pochta:

samisiservis@mail.ru

Tahrir hay’ati raisi:

M.E.Po‘latov – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti rektori,
i.f.d., professor

Tahrir hay’ati raisi o‘rinbosari:

O.M.Pardayev – SamISI prorektori, iqtisod fanlari doktori,
professor

Tahrir hay’ati a’zolari:

M.M.Muxammedov – SamISI professori, iqtisod fanlari
doktori

D.R.Zaynalov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Murtazayev – TDIUSF direktori, iqtisod fanlari doktori,
professor

M.R.Boltabayev – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

R.X.Ergashev – QarMII professori, iqtisod fanlari doktori

B.K.G‘oibnazarov – iqtisod fanlari doktori, professor

I.S.To‘xliyev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

K.B.Urazov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

D.H.Aslanova – iqtisod fanlari nomzodi, professor

Q.J.Mirzayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

B.I.Isroilov – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

G.M.Shodiyeva – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

S.N.Toshnazarov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

R.N.Normaxmatov – SamISI professori, texnika fanlari doktori

A.Bektemirov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

M.T.Alimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Z.Dj.Adilova – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

Sh.O.Quvondiqov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

L.N.Xalikova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

F.A.Safarov – SamISI dotsenti, iqtisod fanlari doktori

A.M.Karimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

I.B.Mattiyev – SamISI professori, pedagogika fanlari doktori

B.F.Boronov – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

A.N.Xoliqulov – SamISI professori, iqtisod fanlari nomzodi

X.A.Raximov – SamISI dotsenti, PhD

S.A.Babanazarova – SamISI dotsenti, PhD

H.N.Ochilova – SamISI dotsenti v.b., PhD

I.R.Berdikulova – SamISI dotsenti v.b., PhD

A.Q.G‘apparov – SamISI dotsenti v.b., PhD

MUNDARIJA:

NAZARIYA VA METODOLOGIYA	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева Янги Ўзбекистоннинг бойлиги бўлган инсон капиталининг ривожланишида оиланинг ўрни	5
Мурод Мухаммедович Мухаммедов Макроиктисодий барқарорликни таъминлашда иш ҳақи ва нархлар мувозанатининг аҳамияти	9
Dr. Okszana KISZIL Between the two worlds: migrant children and adaptation strategies	12
Зарина Муродовна Мухаммедова Ўзбекистонда облигациялар бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари ва стратегик йўналишлари	17
SANOAT VA QISHLOQ XO‘JALIGI	
Junaydillo Sadiyevich Fayziyev Qishloq xo‘jaligida yetishtiriladigan sigir sutining sifat ko‘rsatkichlari	20
Джунайдилло Садиевич Файзиев, Азизахон Мамасидикова Положительные и отрицательные аспекты использования пальмового масла в пищевой промышленности	23
TADBIRKORLIK, MEHNAT, BANDLIK VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH	
Lola Nazarovna Xalikova, Shamsiddin Kiyamiddinovich Yuldashev, Muxammadjon Mansur o‘g‘li Xojiyev O‘zbekistonda iqlim o‘zgarishining mehnat unumdorligiga ta’siri	28
Anvar Nematovich Xoliqulov Innovatsion iqtisodiyot sharoitida mehnatning xarakteri va manfaatlar mushtarakligi	33
XIZMAT KO‘RSATISH VA SERVIS	
Абдумалик Бектемиров, Дилшод Фархадович Насиров Оценка эффективности инновационно-инвестиционной стратегии предприятий сферы услуг Республики Узбекистан	36
Рузбой Нормухоматов, Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов, Шерзод Мирзаали ўғли Музаффаров Соғломлаштириш хизматларида B2 витамини (рибофлавин)нинг ўрни, очилиш тарихи, аҳамияти, манбалари, етишмаслигининг олдини олиш йўллари	43
Обид Мамаюнусович Пардаев Иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатишда энергия ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари	46
Феруз Нематуллаевич Абилов Агросервис хизматларини ривожлантириш асосида аҳолини камбағалликдан чиқариш механизмини такомиллаштириш	50
Zebo Eshmaxmatovna Normurodova Maishiy xizmatlar samaradorligini oshirishda sinergetik, messijerlik va geffen samaralarining o‘rni (Qashqadaryo viloyati misolida)	55
Nargiz Toxirovna Sattarova, Sultonbek Azizovich Baxromov O‘zbekistonda servis iqtisodiyoti: xizmat ko‘rsatish sifatini boshqarishning zamonaviy usullari va tendensiyalari	59

Зарина Муродовна Мухаммедова – СамИСИ, “Молия” кафедраси доценти, и.ф.д.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИ ВА СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда облигациялар бозорининг ривожланиш даражаси, унинг институционал ва иқтисодий муаммолари комплекс таҳлил қилинган. Хусусан, бозор ликвидлиги, инвесторлар фаоллиги, корпоратив сегментнинг чекланганлиги ва инфратузилмавий камчиликлар илмий жиҳатдан баҳоланган. Шунингдек, облигациялар бозорини ривожлантириш орқали молиявий ресурсларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: облигациялар бозори, капитал бозори, инвестициялар, ликвидлик, корпоратив облигациялар, молиявий инфратузилма.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётида молия бозорларининг трансформацияси ва капитал ҳаракатларининг глобаллашуви шароитида миллий иқтисодиётларнинг барқарор ривожланиши молиявий ресурсларни самарали жалб қилиш механизмларига бевосита боғлиқ бўлиб бормоқда [1]. Шу нуқтаи назардан, облигациялар бозори узоқ муддатли инвестиция ресурсларини шакллантириш ва иқтисодиёт тармоқларини молиялаштиришда стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим институт сифатида намоён бўлади [2].

Ўзбекистон иқтисодиётида сўнгги йилларда молия бозорларини либераллаштириш ва капитал бозорини ривожлантиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда [3]. Бироқ, ушбу жараёнларга қарамаздан, облигациялар бозори ҳали етарли даражада шаклланмаган бўлиб, унинг институционал асослари, бозор инфратузилмаси ва иштирокчилар фаоллиги чекланганлигича қолмоқда.

Шу муносабат билан, Ўзбекистонда облигациялар бозорининг ривожланиш ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг илмий асосланган йўналишларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий вазифа ҳисобланади. Мазкур мақоланинг мақсади – мамлакатда облигациялар бозорининг ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Облигациялар бозори ва унинг иқтисодиётдаги аҳамияти масалалари кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган [2]. Ушбу тадқиқотларда облигациялар бозорининг молиявий ресурсларни жалб қилишдаги роли, унинг институционал асослари ва ривожланиш омиллари турли ёндашувлар асосида ёритиб берилган.

Хорижий иқтисодий адабиётларда облигациялар бозори капитал бозорининг муҳим таркибий қисми сифатида қаралиб, унинг иқтисодий ўсишга таъсири алоҳида таъкидланади [4]. Айрим тадқиқотларда облигациялар бозорининг ривожланиши молиявий тизим диверсификациясини таъминлаши ва банк секторининг устуворлигини камайтириши асослаб берилган [5]. Шу билан бирга, облигациялар бозорининг чуқурлиги ва ликвидлиги макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим омил сифатида баҳоланади [6].

Бошқа илмий адабиётларда эса облигациялар бозорининг институционал ривожланишига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, кредит рейтинг агентликлари, молиявий инфратузилма ва ҳуқуқий базанинг шаклланганлик даражаси бозор самарадорлигини белгиловчи асосий омиллар сифатида кўрсатилган [7].

Маҳаллий иқтисодчи олимлар тадқиқотларида эса Ўзбекистонда молия бозорини ривожлантириш, жумладан қимматли қоғозлар бозорининг институционал асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ушбу тадқиқотларда капитал бозорини ривожлантириш орқали инвестиция муҳитини яхшилаш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш имкониятлари таҳлил қилинган [8].

Бироқ мавжуд тадқиқотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда облигациялар бозорини комплекс равишда, хусусан унинг институционал муаммолари, ликвидлик даражаси ва инвесторлар фаоллиги нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилиш етарли даражада амалга оширилмаган. Шу сабабли, ушбу мақолада мазкур масалаларни

тизимли таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт мантикий таҳлил, омилли таҳлил, индукция ва дедукция усулларида самарали фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда облигациялар бозори ривожланишига таъсир кўрсатаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш уларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади [1]. Хусусан, институционал, инфратузилмавий ва бозор омиллари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бозор самарадорлигини чеклаб қўймоқда. 1-жадвалда ушбу муаммоларнинг асосий турлари ва уларнинг иқтисодий таъсири умумлаштирилган.

1-жадвал

Ўзбекистонда облигациялар бозори ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллари

№	Муаммо тури	Мазмуни	Иқтисодий таъсири
1.	Институционал ривожланиш пастлиги	Кредит рейтинг ва инфратузилма заиф	Инвесторлар ишончи пасаяди
2.	Инвесторлар фаоллиги паст	Аҳоли ва фондлар иштирок этмайди	Бозорда талаб шаклланимайди
3.	Корпоратив сегмент суғуст	Компаниялар облигация чиқармайди	Диверсификация чекланади
4.	Ликвидлик паст	Иккиламчи бозор ривожланмаган	Инвесторлар рискка дуч келади
5.	Ахборот шаффофлиги паст	Маълумотлар очиқ эмас	Нарх шаклланиши самарасиз

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, облигациялар бозоридаги муаммолар алоҳида эмас, балки тизимли характерга эга. Масалан, ахборот шаффофлигининг пастлиги инвесторлар ишончининг пасайишига олиб келса, бу эса ўз навбатида бозор ликвидлигининг камайишига сабаб бўлади [5]. Шу билан бирга, корпоратив облигациялар сегментининг ривожланмаганлиги иқтисодиётда банк кредитларига ортиқча боғлиқликни кучайтирмоқда [4]. Бу ҳолат молиявий тизимда рискларнинг концентрациясини ошириб, узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини чеклайди [6].

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилиш комплекс ва тизимли ёндашувни талаб этади. 2-жадвалда облигациялар бозорини ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва кутилаётган натижалар келтирилган.

2-жадвал

Облигациялар бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

№	Йўналиш	Амалий чора	Кутилаётган натижа
1.	Корпоратив бозор	Эмиссияни соддалаштириш	Янги молиялаштириш манбаи
2.	Инвесторлар	Институционал инвесторларни жалб қилиш	Барқарор талаб
3.	Ликвидлик	Иккиламчи бозорни ривожлантириш	Бозор фаоллиги ошади
4.	Ахборот сиёсати	Шаффофликни кучайтириш	Ишонч ортади
5.	Саводхонли	Молиявий таълимни ошириш	Аҳоли иштирок этади

Ушбу жадвалда келтирилган чора-тадбирлар амалга оширилганда, облигациялар бозорида сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш имконияти юзага келади. Хусусан, институционал инвесторларнинг фаоллашуви бозорда барқарор талабни шакллантирса, иккиламчи бозор ривожланиши ликвидликни оширади ва инвестиция муҳитини яхшилайти.

Шунингдек, ахборот шаффофлигининг ошиши ва молиявий саводхонликнинг ривожланиши инвесторлар қарор қабул қилиш жараёнини янада самарали қилади. Бу эса ўз навбатида, облигациялар бозорининг иқтисодиётдаги ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда облигациялар бозори ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллар асосан институционал ва бозор механизмлари билан боғлиқ. Уларни бартараф этиш эса фақат алоҳида чоралар эмас, балки комплекс ислохотларни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан, облигациялар бозорини ривожлантиришни молия тизимини диверсификация қилишнинг муҳим йўналиши сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистонда облигациялар бозори иқтисодиётни молиялаштиришнинг муҳим манбаи сифатида ривожланиб бораётган бўлса-да, унинг ҳозирги ҳолати тўлиқ шаклланган деб бўлмайди. Хусусан, бозорда ликвидликнинг пастлиги, инвесторлар базасининг чекланганлиги, корпоратив облигациялар улушининг камлиги ва инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги каби муаммолар мавжуд. Шу билан бирга, аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида молиявий саводхонликнинг пастлиги ҳам бозор фаоллигини чеклаб қўймоқда.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун, аввало, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва уни халқаро стандартларга мослаштириш зарур [7]. Бу эса бозорга ишончни ошириш ва янги иштирокчиларни жалб қилиш имконини беради. Шу билан бирга, инвесторлар базасини кенгайтириш мақсадида институционал инвесторлар – пенсия жамғармалари ва суғурта компанияларининг фаол иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Корпоратив облигациялар бозорини ривожлантириш учун эмиссия жараёнларини соддалаштириш ва корхоналарни рағбатлантириш лозим. Бозор ликвидлигини ошириш мақсадида маркет-мейкерлар институтини жорий этиш ва биржа инфратузилмасини такомиллаштириш талаб этилади. Шу билан бирга, ахборот шаффофлигини таъминлаш ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш орқали бозор барқарорлигини таъминлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mishkin F.S. The Economics of Money, Banking and Financial Markets. – Pearson, 2021.
2. Fabozzi F.J. Bond Markets, Analysis and Strategies. – Pearson, 2020.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва капитал бозорига оид ислохотлар материаллари, 2019–2024.
4. Levine R. Financial Development and Economic Growth // Journal of Economic Literature, 2005.
5. Stiglitz J.E. Information and Financial Markets // American Economic Review, 2002.
6. IMF. Global Financial Stability Report. – 2023.
7. World Bank. Developing Government Bond Markets. – 2020.

З.Мухаммедова Экономические проблемы и стратегические направления развития рынка облигаций в Узбекистане	Z.Mukhammedova Economic Problems and Strategic Directions for the Development of the Bond Market in Uzbekistan
Аннотация. В статье комплексно проанализирован уровень развития рынка облигаций в Узбекистане, а также его институциональные и экономические проблемы. В частности, дана научная оценка ликвидности рынка, активности инвесторов, ограниченности корпоративного сегмента и инфраструктурных недостатков. Кроме того, разработаны практические предложения по повышению эффективности привлечения финансовых ресурсов через развитие рынка облигаций. Ключевые слова: рынок облигаций, рынок капитала, инвестиции, ликвидность, корпоративные облигации, финансовая инфраструктура.	Abstract. The article provides a comprehensive analysis of the level of development of the bond market in Uzbekistan, as well as its institutional and economic challenges. In particular, it offers a scientific assessment of market liquidity, investor activity, the limited scope of the corporate segment, and infrastructural shortcomings. Furthermore, practical recommendations have been developed to enhance the efficiency of attracting financial resources through the development of the bond market. Keywords: bond market, capital market, investments, liquidity, corporate bonds, financial infrastructure.

ISSN 2091-5187

❧ “SERVIS” ❧

Jurnal Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tahririyat
bo‘limida nashrga tayyorlandi.

15.05.2026-yilda terishga berildi. 26.05.2026-yilda bosishga ruxsat etildi. Ofset
bosma qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 $\frac{1}{8}$. “Times” garniturasini. Ofset bosma usuli.
Shartli bosma tabog‘i 15,4. Hisob-nashriyot
tabog‘i 14,37. Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 0105A/26

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo‘limida chop etildi.
Litsenziya № 025316.
Reestr № X-119112.

Manzil: Samarqand shahri, Shoxruh ko‘chasi, 60-uy.

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026.